



2022 йилда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туман Ободонлаштириш бошқармаси буюртмачилигида жорий таъмирлаш бўйича ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидлари бўйича Пудрат ташкилотларни, Энг яхши таклифларни танлашни ташкил этиш ва ўтказиш орқали, танлаш бўйича

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТ)

### I. УМУМҲИЙ ҚОНДАЛАР

1.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунини талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, харид комиссиясининг Энг яхши таклифларни танлашни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартибини белгилайди.

1.2. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси коллегиял орган ва Энг яхши таклифларни танлашнинг асосий қатнашчиси (*Энг яхши таклифларни танлаш савдоларини ўтказиш жараёнига доимий ёки вақтинчалик органи*) ҳисобланиб, буюртмачи (*инвестор*) томонидан ташкил этилиб, буйруқ ёки бошқа расмий ҳужжат билан тасдиқланади, Энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишга ваколатлидир.

1.3. Мазкур харид комиссияси **Ўрта Чирчиқ туман Ободонлаштириш бошқармасининг** 2022 йил 30 май даги 712-сон буйруғи билан тасдиқланган.

### II. ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг дастлабки йиғилиши Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатининг ишлаб чиқилиши жараёнида ўтказилиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

- Энг яхши таклифларни танлаш ва қатнашчиларнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларини, таклифни жойлаш шартлари ва талабларини;
- таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш мезонларини;
- Энг яхши таклифларни танлашда қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини;
- таклифни қабул қилишнинг мудатини, таклифларни кўриб чиқиш мудатини, бунда махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кунидан кам бўлмаслиги шарт.

2.2. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг техник ва молиявий баҳолашнинг тавсиявий мезонлари 1-иловада келтирилган.

2.3. Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари иш тури, таклиф килинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб ҳар бир объект бўйича алоҳида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

2.4. Харид комиссияси қайси бир Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчисига устунлик берувчи Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмаслар.

2.5. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси барча объектларни Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ таклифларни ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, Энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

2.6. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг ҳар бир объект бўйича комиссия раиси ва иштирок этган барча комиссия аъзолари томонидан электрон имзо орқали тасдиқланадиган баённомалар юритилади.

### III. МАЛАКАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ, ТАРКИБИНИ Кўриб чиқиш ва баҳолаш

3.1. Барча таклифлар харид комиссияси томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Малакавий ҳужжатлар ва уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда уларнинг кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар ҳужжатлар мавжуд бўлмаса ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг молиявий таклифлари инобатга олинмайди.

3.3. Малакавий ҳужжатлар тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқилади.

3.4. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси қатнашчиларнинг малака кўрсаткичларини баҳолашда барча комиссия аъзолари алоҳида, шу билан бирга ишчи гуруҳининг фаолиятига зарур бўлган ҳолларда мустақил экспертларни таклиф этади.

3.5. Баҳолаш гуруҳлари ёки мустақил экспертларга малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиш бўйича аниқ муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳақида топшириқлар берилади.

3.6. Малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг энг яхши таклифларни танлаш комиссияси оддий овоз бериш усули билан қарор қабул қилади.

3.7. Агар қатнашчининг таклифи кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг кўпчилик овози маъқулланса, харид комиссиясининг қарори ижобий ҳисобланади.

3.8. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

3.9. Ҳар бир таклифнинг кейинги босқичларга ўтиши учун Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси 60 балл ва ундан юқори балл тўплаши керак, ғолибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошқа хулоса ва қарорлари овоз бериш усули орқали амалга оширилади.

#### **IV. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАР, ТАРКИБИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, БАҲОЛАШ ВА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

4.1. Молиявий такливлар энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Молиявий такливлар, уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак;

- арифметик хатолар текширилади.

4.2. Молиявий такливлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг энг яхши таклифларни танлаш комиссияси оддий овоз бериш усули билан қарор қабул қилади, Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзоларининг ҳар бири мустақил равишда Энг яхши таклифларни танлаш таклифлари бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

4.3. Энг мақбул таклиф қилган нархи бўйича қатнашчи энг юқори яъни 35 балл, бажариш муддати буюртмачи белгиллаган муддатга мос ёки ундан кам бўлса 5 балл билан баҳоланади, қолган иштирокчиларнинг баллари интерполяция усулида аниқланади.

4.4. Таклифларда таклиф этилган нархни ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш тақиқланади.

4.5. Савдолар туридан қатъи назар, Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси ғолибларни энг кўп рақобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда Энг яхши таклифларни танлаш шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича аниқлайди.

4.6. Харид комиссиясининг овоз бериш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.7. Энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлаш бўйича харид комиссиясининг қарори махсус ахборот порталида эълон қилинади.

4.8. Комиссия томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилинган қарори якуний ҳисобланади. Энг яхши таклифларни танлаш тартибда келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар, буюртмачи, Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси, Энг яхши таклифларни танлаш бошқа қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) ва қарорлар юзасидан шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи	Баллар миқдори	Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари		
<b>I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.</b>					
<b>1 ва 3-шакл (19 балл)</b>					
1.	Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилишда иш тажрибасига эга бўлган мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.	4			
2.	3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошлиқлари ва мастерлар, ҳар бир ходим учун 1.5 балл)	3			
3.	Ишлаб чиқариш техника бўлимида Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши мавжудлиги.	3			
4.	Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакали малакали ишчилар мавжудлиги.	3			
5.	Ишчи ходимларни йиллик ўртача сони 10 кишидан кам эмаслиги	3			
6.	Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимларидан 1 киши мавжудлиги	3			
<b>II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи.</b>					
<b>2 ва 4-шакллар (34 балл)</b>					
1.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп.	6			
2.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги.	6			
3.	Охириги йилда 100 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги.	5			
4.	Иш ҳақи фонди 150 млн. Сўм ва ундан юқори	4			
5.	Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп.	4			
6.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп.	3			
7.	Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади).	6			
<b>III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси*</b>					
<b>3-шакл (25 балл)</b>					
1.	Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни (автомобил йўлларини қуриш, капитал ва жорий таъмирлаш) ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-буюртмачи бошланғич нархининг 50%) сўмлик ва ундан кўп (ҳар бир йил 2 балл билан баҳоланади).	15			
2.	Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.	10			
<b>IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари (машина ва механизмлар) рўйхати, 5-шакл (20 балл)</b>					
1.	Лойиха бажариш учун зарур бўлган, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларни мавжудлиги (ижара шартномаси асосида қурилиш техникаларининг баллари 15% камайтирилади.)	20			
<b>VI. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойихани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл 1-Илова (2 балл)</b>					
1.	Қурилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги	1			
	Объектни жамланма жадвали	1			

Харид комиссияси раиси:  
Ўрта Чирчиқ туман Ободонлаштириш  
бошқармаси ИТОФ бўлими бошлиғи



А. Махмудов

Харид комиссияси аъзолари:  
Ўрта Чирчиқ туман Ободонлаштириш  
бошқармаси ОСБ бошлиғи



С. Абдурахмонов

Ўрта Чирчиқ туман Ободонлаштириш  
бошқармаси ИТОФ бўлими техниғи



Д. Шергаев

Ўрта Чирчиқ туман Ободонлаштириш  
бошқармаси Бош Иқтисодчиси



Ж. Алтинов

Ўрта Чирчиқ туман Ободонлаштириш  
бошқармаси механик-инженери



А. Сирожитдинов

## ҚУРИЛИШ (ТАЪМИРЛАШ)

ОБЪЕКТИНИ

(энг яхши таклифларни танлаш объект номи)

## КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА.

Ушбу билан тасдиқланадики, мен \_\_\_\_\_ ,  
(Ф.И.О., лавозими.)

томонидан 20\_\_ йил

\_\_\_\_\_ да берилган ишончномага асосан қуйидагиларни батафсил ўргандим:

- а) Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларини;
- б) лойиҳа ҳужжатларини.

Мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларнинг қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда қурилиш (таъмирлаш) объекти билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўз таклифимизда ҳисобга олинган.

Қатнашчининг ваколатли вакили: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О) \_\_\_\_\_ ИМЗО

Буюртмачининг ваколатли вакили: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О) \_\_\_\_\_ ИМЗО

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2021 й.

Мухр

*Изоҳ: Намунада кўрсатилган шакл бўлиши шарт. (қўшимча объект фото сурати ва бошқа маълумотлар илова қилиниши мумкин) объектни номи ва объектни кўрган саналари ёзилмаганда ушбу шакл инobatга олинмайди.*

**ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН  
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МАШИНА ВА  
МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ**

Т/р	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник ҳолати	Балансида ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
<b>ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАЛАРИ</b>							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Жами						
<b>КИЧИК МЕХАНИЗМЛАР</b>							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Жами						

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 202\_\_ й.

**Изоҳлар:**

1. 8 устунга қурилиш техникасининг Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги маълумот киритилади.

2. Ижара ва лизинг асосидаги техника ижарага олинганда ижарага берувчининг кафолат хати, ижара ва лизинг шарномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

3. Моддий-техник воситалари корхонага тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар (техник паспорт тўлиқ кўриниши) асл нусхаларидан сканер (PDF-кўринишида) тақдим этилиши шарт. Намунада кўрсатилган шакл бўлиши шарт.

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

*(Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг номи)*

Т/р	Объект номи, пудрат шартномаси суммаси, ишларнинг бошланиш ва яқунланиш санаси	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар суммаси	Шундан йиллар бўйича		
				2019 й.	2020 й.	2021 й.
	Жами:					

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган сана “\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Тасдиқланган: \_\_\_\_\_  
*(бош ҳисобчи имзоси)*

Мухр

**Изоҳ:** Маълумотлар энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган иш(хизмат)лар далолатномалари ёки ҳисоб-фактуралар асл нусхаларидан сканер (PDF-кўринишида) тақдим этилиши шарт. Намунада кўрсатилган шакл бўлиши шарт.

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ МАВЖУДЛИГИ ТЎҒРИСИДА  
МАЪЛУМОТНОМА

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчи Энг яхши таклифларни танлаш объекти бошланғич нархнинг камида 20% миқдориди айланма маблағларига эга бўлиши ёки ушбу маблағларни бериш учун банк кафиллигига эга бўлиши керак.

Шундан келиб чиққан ҳолда, \_\_\_\_\_  
(Энг яхши таклифларни танлаш савдоси предметининг номи)

\_\_\_\_\_ объекти бўйича Энг яхши таклифларни танлаш савдоларида қатнашиш учун,

\_\_\_\_\_ манзили бўйича қайд этилган офисга эга  
(юридик манзил)

\_\_\_\_\_ ушбу маълумотнома тақдим қилади, шу  
ҳақдаки,  
(банк номи)

\_\_\_\_\_ Энг яхши таклифларни танлаш  
савдоларида қатнашиш учун  
(Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг номи)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил ҳолатига \_\_\_\_\_ сўм миқдориги айланма  
маблағларига эга, шу жумладан ишлаб чиқариш заҳиралари \_\_\_\_\_ сўм,  
ҳисобрақамидаги пул маблағлари \_\_\_\_\_ сўм.

Бошқарувчи Имзо (Ф.И.О)

Бош ҳисобчи Имзо (Ф.И.О) Мухр ўрни

Изоҳ:

1. Ушбу маълумотнома банк томонидан идора бланкасида белгиланган тартибда тақдим этилади.
2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси, махсус ахборот порталида энг яхши таклифларни танлаш эълон қилингандан кейинги ҳолатга энг яхши таклифларни танлаш объекти бошланғич нархнинг камида 20% миқдориди ҳисоб рақамида маблағга эга бўлиши керак. (танлаш эълон қилингандан кейинги ҳолатга олинмаганда, ёки ҳисоб рақамидаги маблағ кўрсатилмаганда ушбу маълумот ҳисобга олинмайди)



**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШ  
ҲАҚИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ХОДИМЛАР ЎРТАЧА СОНИ БЎЙИЧА  
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Давр	СТИР	Маҳсулот (товар ва хизматлар)ни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010-сатри),нинг сўмда	Иш ҳақи жамғармаси, нинг сўмда	Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)
1	2	3	4	5
X		X	X	X
2021 йил якуни бўйича	X			
Жорий йил (2022 йил) охириги ҳисобот даври бўйича	X			
Жами	X			

шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи \_\_\_\_\_  
шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси  
камерал назорат бўлими бошлиғи \_\_\_\_\_

Мухр

*Изоҳ: Иловада келтирилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар, яъни энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг 2021 йил якуни бўйича ва жорий йил охириги ҳисобот даври бўйича ДСИга топширилган чораклик ходимларнинг ўртача сони ва иш ҳақи жамғармаси кўрсатилган ва ДСИ томонидан тасдиқланган бўлиши шарт. Намунада кўрсатилган шакл бўлиши шарт. (Охириги ҳисобот даври кўрсатилмаганда ушбу шакл ҳисобга олинмайди)*

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициентини 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

Мухр

Сана: « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

*Изоҳ: Энг яхши таклифларни танлаш шитирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясининг ижобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ва молиявий натижалар ҳисоботларининг нусхалари солиқ томонидан қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга тақдим этилиши шарт. Ҳар бир варақ муҳр билан тасдиқланиши шарт. Намунада кўрсатилган шакл бўлиши шарт.*

Энг яхши таклифларни таълаш иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот.

Минг сўмда.

СТПР	Ташкилот тоифаси	Ташкилот томонидан ўтган йил (2021 йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари.										
		Асосий воситалар кодлик (баланс қиймати) Ф-1, 012-сатри	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти (1,25) = 5/(6-7)	Бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар			Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (0,20) = (9+10+11-12)/13	Бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар				
				390-сатр	770-сатр	490-сатр		480-сатр	570-сатр	580-сатр	130-сатр	390-сатр
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$K_{пл} = \text{Жорий (айланма) активлар} / \text{жорий мажбуриятлар} = A2 / (П2 - ДО)$ , бунда:

$A2$  - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

$П2$  - мажбуриятлар, баланс пассивининг II бўлими, 770-сатр;

$ДО$  - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$K_{ос} = (П1 + Дзк2 - A1) / A2$ , бунда:

$A1$  - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

$П1$  - ўз маблағлари манбалари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

$Дзк2$  - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрлари йиғиндиси).

$A2$  - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, махражи - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.